Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 9 апрель • сешанба № 14 (854)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz

Бугун — Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун

Бетакрор маънавий мерос бунёдкори

БУГУНГИ КУНДА ёшлар маънавияти, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда "Темур тузуклари"да белгиланган жамият бошқаруви, шахс камолоти, қонун устуворлиги масалаларидаги йўл-йўриқларни ўрганиш ҳар жиҳатдан муҳимдир. Зеро, қонун устуворлигини таъминлаш масалалари ўзбек давлатчилиги тарихида алоҳида ўрин тутгани ва амалда қўлланилгани бугунги кун учун назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, давлатчилигимиз тарихида жиноят ва жазо масалалари фақатгина шариат асосида кўрилган, унга адолат нуқтаи назаридан ёндашилмаган, деган фикрдаги айрим тадқиқотчиларга "Темур тузуклари" мисолида жавоб бериш мумкин бўлади. Жумладан, "Салтанатни бошқаришда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни Тўра ва Тузук асосида адо этдим", — дейилади "Тузуклар"да. Шунингдек, баъзан ўғри ва қароқчиларга "Ясо" асосида ҳам жазо белгиланган. Бировнинг тишини синдирган, кўзини кўр қилган, қулоқ-бурнини кесган, шароб ичган, зино қилган кишиларга девондаги шариат (ислом) қозиси жазо тайинлаган.

Дарҳақиқат, Амир Темур ўз мақсади йўлида қатъийлик, жасурлик ва бетакрор покликни улуғлаб салтанатни бошқарган. "Шижоатли кишиларни дўст тутардим, чунки тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди. Уламо билан суҳбатда бўлдим ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпиндим... Бузуқи ва оғзи шалоқ ғийбатчи одамларни мажлисимга йўлатмадим", — дея бобомиз ўз тузукларида қайд этган.

Шунингдек, асарда доруға ва шаҳар ҳокимлари халққа жабр-зулм қилсалар, уларни ҳам жиноятларига мос ҳолда жазога тортиш назарда тутилган. Бирор кишининг айби исботланганда, унга нисбатан фақат битта жазо чорасини қўллаш, яъни агар жарима солинса, дарра билан урмаслик, дарра билан урилса, жарима солмаслик тўғрисида фикр юритилган.

Соҳибқирон ўз салтанатининг ворисларига қолдирган панд-насиҳатларида — "Адолат ва инсоф билан тангри яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишлари билан одамлар кўнглидан жой олдим", — деб уқтирган. Бу эса, бугунги кунда ижтимоий ҳимоя масаласи тарихдан қўлланиб келинганининг яққол ифодасидир.

Шунингдек, Юртбошимиз Амир Темур даври маънавияти, соҳибқирон шахсияти ва у қолдирган улкан меросининг қимматли аҳамияти хусусида тўхталиб, шундай дейдилар: **"Амир Темур, аввало, қудратли давлат қурган. Давлат қудратли бўлмаса, бетакрор маънавий мерос ҳам, обидалар ҳам, тарихий ёдгорликлар ҳам бўлмасди. Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурган, давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади. Амир Темур ўз давлатини ақл-заковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган. Унинг "Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилич билан амалга оширдим" деган сўзлари бунинг ёрқин далилидир".**

Амир Темур бобомиз амал қилган ушбу фазилатлар ёшларимиз учун ҳам назарий, ҳам маърифий, ҳам маънавий аҳамият касб этади.

Феруза МУҲИТДИНОВА,
ТДЮИ доценти, юридик фанлар доктори

ТДЮИда илмий-амалий анжуман

Тарғибот таъсирчанлигини ошириш давр талаби

Фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини билиши, бурчларига қатъий риоя этиши жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқий маданиятнинг юксалишида муҳим аҳамиятга эга. Шу боис бугунги кунда ҳуқуқий тарғибот орқали халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш долзарб масалага айланган. Айниқса, оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқий тарғиботни халқчил, равон, содда тилда ва таъсирчан равишда амалга ошириш мазкур соҳа вакиллари ва журналистлар масъулиятини оширади.

Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идораларо кенгаш томонидан Тошкент давлат юридик институти масъуллигида пойтахтимизда "Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ҳуқуқий тарғиботнинг ўрни ва аҳамияти" мавзуида ташкил этилган илмий-амалий анжуманда ҳам ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги вазифалар хусусида сўз юритилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Идораларо кенгаш аъзолари, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган мазкур анжуманнинг асосий мақсади давлатимиз раҳбарининг "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да белгиланган устувор вазифалар асосида ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни илмий-амалий таҳлил қилишдан иборат бўлди.

АҲОЛИНИНГ ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини янада юксалтиришга қаратилган ҳуқуқий тарғибот ишларининг бугунги кундаги долзарб ва муҳим аҳамияти ҳақида Адлия вазири ўринбосари Кўчқор ТОҒАЕВ шундай деди:

— Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти ҳамда билими даражасини оширишни жамиятда ҳуқуқий саводхонликни таъминламасдан, уни амалиётда тўғри ва тизимли йўлга қўймасдан эришиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ***"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"****ги Қарорига мувофиқ Адлия вазирлигига жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятини ошириш ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш вазифаси юклатилиб, бу ишларни мувофиқлаштириш бўйича Адлия вазири раислигида Идораларо кенгаш ташкил этилди.*

Ҳозирда Идораларо кенгаш ўз фаолиятини самарали юритиб келмоқда. Кенгашнинг асосий вазифалари:

— давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятни оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги ишларини мувофиқлаштириш;

— ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини яхшилаш, шунингдек, таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларининг ҳуқуқий билим даражасини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиш;

— аҳоли билан ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича ишларни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, ушбу ишга фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Айни пайтда Адлия вазирлиги томонидан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва ҳуқуқий тарғибот ишларини самарали йўлга қўйиш мақсадида давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан имзоланган 14 та ҳамкорлик меморандумлари ижроси таъминланмоқда.

Бундан ташқари, вазирлик томонидан бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмалари билан юқоридаги каби яна 10 дан ортиқ икки томонлама ҳамкорликни самарали ташкил этишга қаратилган меморандумлар лойиҳалари тайёрланмоқда, давлат органлари ва жамоат бирлашмалари билан тегишлилиги бўйича ҳуқуқий тарғибот дастури ва режалари тасдиқланган бўлиб, ушбу ҳужжатлар асосида ўтган 2012 йилда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган 267 мингдан ортиқ тадбирлар ўтказилиб, уларга 7 миллионга яқин фуқаролар жалб қилинди.

2

Зайтун етиштирилади

ОЛТИНСОЙ, Шўрчи ва Жарқўрғон туманларида кўпайтирилаётган зайтун дарахтидан ўтган йили дастлабки ҳосил олинди. Жарқўрғон туманидаги Кўлдовли маҳалласида тажрибали боғбон Акрамжон Ўринов уч йил аввал "Сурхон зайтун" фермер хўжалигини ташкил этиб, уч гектар майдонда зайтунзор барпо қилган эди. Ўтган йили дарахтлар ҳосил нишонларини кўрсатди, дея хабар беради ЎзА.

Маълумотларга кўра, зайтун ўсимлиги мевасидан шифобахш истеъмол ёғи олинади. Зайтун ёғи ошқозон-ичак касалликларини даволашда, буйрак ва қовуқдаги тошларни майдалаб туширишда қўлланилади. Кўз касалликларига шифо бағишлайди, соч тўкилишининг олдини олади.

Тошкент боғлари янги қиёфада

БУ ЙИЛ Тошкент шаҳридаги учта истироҳат боғида таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Булар Мирзо Улуғбек туманидаги Зафар Диёр, "Янги Сирғали" ва Сирғали туманидаги яна бир маданият ва истироҳат боғларидир. "Народное слово" газетасининг хабар беришича, мазкур реконструкция ишлари боғларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва 2011-2015 йилларда улар фаолиятини янада такомиллаштириш дастури дорасида амалга оширилади. Бундан ташқари, май ойига бориб, Тошкент курантининг орқа томонидаги боғда "яшил ҳудуд" очилади. Ҳозирда бу ерда ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Шаҳардаги тўртта энг катта боғ ҳудудида эса ёз ойларида енгил конструкцияли амфитеатрларни ташкил этиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, унинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, ахборот-маслаҳат марказлари ва бизнесга кўмаклашиш марказлари фаолияти йўналишларига бағишланган матбуот анжумани ташкиллаштирилди.

Унда Савдо-саноат палатасининг туман (шаҳар) бўлинмалари ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахслар билан фаол иш олиб бораётгани таъкидланди. Уларга ахборот, юридик ва суғурта хизматлари кўрсатилди, таъсис ҳужжатлари ва бизнес-режани тайёрлаш, бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича маслаҳатлар берилди.

Марс сайёраси сари...

ПАРИЖДА Россиянинг "Роскосмос" ва Европанинг "Европа космик агентлиги" — "ESA" ўртасида 2016 ва 2018 йилларда Марс сайёрасига самовий аппаратлар учириш юзасидан шартнома имзоланди. Унга кўра, 2016 йилда "Trace Gas Orbiter" орбита модули, 2018 йилда эса Марс юзасига қўнишни амалга оширувчи роботлашган аппаратни учириш режалаштирилмоқда.

"Нексия" давлат эгалигига ўтказилди

— ҚОНУНЧИЛИККА кўра божхона қоидаларини бузганлиги учун жавобгар шахс жиноий жавобгарликка тортилади, деб ёзади **жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг судьяси Маъмуржон Қодиров** таҳририятимизга йўллаган "Божхона назоратини четлаб ўтманг" мақоласида.

Фуқаро И.Қуранбоев божхона тўловларини тўламаслик мақсадида Қозоғистон давлатида рўйхатда турган 17.160.000 сўмлик "Нексия" русумли автомашинани божхона назоратини четлаб, айланма йўллар орқали Ўзбекистон ҳудудига олиб кириб, автомашинанинг кузов ва двигатель рақамларини ноқонуний равишда қўлбола усулда ўзгартириб, ушбу автомашинани бошқариб юрган.

Суд томонидан фуқаро И.Қуранбоев Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилиб, ноқонуний йўллар орқали олиб келган "Нексия" русумли автомашинаси давлат эгалигига ўтказилди.

Хабарларни "Инсон ва қонун" мухбири Зайниддин МАМАДАЛИЕВ саралади.

"INSON va QONUN" ҳуқуқий газетасига обуна бўлинг!
Обуна индекси — 137. website: minjust.uz
e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-84-50

"HUQUQ va BURCH" ижтимоий ҳуқуқий журналига обуна бўлинг!
Обуна индекси — 902. website: huquqburch.uz
e-mail: info@huquqburch.uz Тел/факс: 233-21-93

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами" ҳафталик расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна индекси — 949. website: adolatnashr.uz
e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-67-65

"Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами" расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна индекси — 949. website: adolatnashr.uz
e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-67-65

LexUz — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, фойдаланувчиларга интернет орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятини яратади.
LexUZ on-line
e-mail: cpi-info@minjust.gov.uz Тел: 236-73-96, 236-17-33
website: www.lex.uz

Тарғибот таъсирчанлигини ошириш давр талаби

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Шу ўринда, ҳақли савол туғилиши табиий, яъни нима учун биз ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириш масалаларига бу қадар катта аҳамият беряпмиз. Ушбу масаланинг нақадар долзарблиги тўғрисида давлатимиз раҳбарининг қуйидаги даъватларини эслатиб ўтиш ўринлидир: ***"Олдимизда турган ғов ва тўсиқларни енгиш жараёнида ҳаммамиз учун энг таъсирчан қуролга айланадиган куч — бу халқимизнинг ҳуқуқий онгини, тафаккурини тарбиялаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, қалбида эркинлик ва масъулият туйғуларини қарор топтиришдир"****.*

Ҳуқуқий билимлар тарғиботининг асосий мақсади шахснинг ҳуқуқий онги ва тафаккурини юксалтириш, амалдаги қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини етарли даражада билиши, уларга онгли равишда ҳурмат ва итоаткорлик руҳида тарбиялаш ҳисобланади. Шу боис, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш орқали ижтимоий фаол шахсни шакллантиришда ҳуқуқий билимлар тарғиботи алоҳида ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбари ***"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"****да* ***"...бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиши, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлайди"****, — деб қайд этган эди.*

Шу муносабат билан, "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури"нинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилиб, манфаатдор идоралар билан келишилган ҳолда бугунги кунда Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Дарҳақиқат, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ва ислоҳотлар самарадорлигининг муҳим шартидир.

Илмий-амалий анжуман иштирокчилари Юртбошимизнинг Концепцияда таъкидлаган кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий тарғиботнинг замонавий тизимини яратишнинг долзарб аҳамияти, зарурияти ҳамда унинг йўналишлари ва шакллари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ, ТДЮИ ректори, юридик фанлар доктори, профессор:

— Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда фуқароларнинг ҳуқуқий ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлақонли қондириш, жумладан, уларнинг турли воситалар ва усуллар ёрдамида қонун ҳужжатларидан ўз манфаатлари йўлида унумли фойдаланиши учун барча шарт-шароитлар яратилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида, ушбу имконият фуқароларнинг жамиятда сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни оширишга, ижтимоий ва сиёсий фаоллигига, фуқаролар, давлат хизматчилари ва мансабдор шахсларнинг ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини амалга оширишларига ва бошқарувнинг барча босқичларида қонунийликни мустаҳкамлашга, фуқароларнинг оила, давлат ва жамият доирасида қонунга мувофиқ хулқ-атворини мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Фуқароларнинг юқори даражадаги ҳуқуқий саводхонлигига эришиш жараёни қуйидаги учта усул ва воситалар, яъни ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий таълим ёрдамида амалга оширилишини қайд этишимиз лозим бўлади.

Ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишда асосий эътиборни фуқароларнинг кундалик ҳаёт давомида дуч келадиган вазиятлардаги ҳуқуқий масалаларга кўпроқ эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, маҳаллий ҳокимликлар аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида қуйидаги вазифаларга асосий эътибор қаратишлари лозим, деб ҳисоблаймиз:

— аҳолининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан қабул қилинган қонунлар ва қонуности меъёрий ҳужжатларидан оммавий ахборот воситалари орқали кенг хабардор бўлиб боришини тизимли равишда йўлга қўйиш;

— давлатимизда қабул қилинаётган қонунлар, фармонлар, қарорларнинг мазмун-моҳиятини фуқароларимизга ҳуқуқшунос олимлар орқали шарҳлаб беришни йўлга қўйиш, бунинг учун ҳуқуқшуносликка ихтисослашган олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда иш олиб боришни ташкил этиш;

— маҳаллий ҳокимликлар томонидан вояга етмаганлар ишлари бўйича шуғулланувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари билан биргаликда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш юзасидан ҳамкорликда иш юритишни самарали йўлга қўйиш керак.

Шунингдек, бугунги кунда айрим корхона, муассаса, ташкилотларда ишчи-ходимлар, ҳатто раҳбарларнинг ҳам ҳуқуқий саводхонлиги етарли даражада, деб бўлмайди. Шунинг учун жойлардаги барча корхона, муассаса ва ташкилотларда раҳбарлар, давлат хизматчилари, ходимлар ўртасида ўтказиладиган маърифат соатларида ҳуқуқий мавзулардаги масалаларни кўпроқ тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ўйлаймиз.

Фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда интернет тармоғидан фойдаланиш ҳам самарали воситалардан бири ҳисобланади. Юртимизда интернет тизимидан фойдаланувчилар сафи жадал суръатлар билан кенгайиб бормоқда. Яъни, бугунги кунда уларнинг сони 9 миллиондан ортиб кетди. Сўнгги йилларда ҳуқуқий ахборот тўплами таркибий жиҳатдан анча яхшиланиб, ҳуқуқий ахборотни жамғариш ва қидириш автоматлаштирилган тизимлари яратилди. Шу сабабдан Адлия вазирлигининг www.minjust.uz, www.lex.uz, www.pravo.uz сайтларидан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш ҳамда турли даражадаги маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли веб сайтларида аҳоли билан бевосита мулоқот тизимларини йўлга қўйиш ва бунда ҳуқуқий мавзуларга алоҳида ўрин бериш асосий вазифалардан бирига айланиши керак.

Абдураҳим ҚУРБОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Албатта, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга давлат даражасида эътибор қаратилиши қонун устуворлигини таъминлаш, унинг амалдаги ижросини жамоатчилик томонидан назорат қилиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалиётга татбиқ этишни таъминлайди. Парламент томонидан қабул қилинаётган қонунлар ҳаётий, амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиши ва ундан келиб чиқиши лозим бўлиб, бу — ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг муҳим шарти, ҳуқуқий давлат қарор топишининг зарурий белгиси ҳисобланади.

Шунингдек, қонунларни аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот қилишда, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда, ҳуқуқий билимларни тарғиб қилишда, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш учун ҳуқуқий ахборот билан таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ролини янада кучайтириш долзарб аҳамият касб этади. Чунки мамлакатимизда ҳуқуқий давлатчиликни шакллантириш, ҳокимият ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги муносабатларни оқилона ташкил этиш, жамиятнинг барча жабҳаларини модернизация қилиш, мазкур йўналишдаги ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилишининг муҳим гарови бўлиб, бу — фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти, саводхонлиги юксак бўлиши билан бевосита боғлиқ.

"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида"*ги ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишида амалга ошириладиган муҳим чора-тадбирларни белгилаган Президентимизнинг 2011 йил 14 январдаги Фармойиши босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларининг иқтисодий мустақиллиги ҳамда молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш билан бирга улар фаолиятини янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.*

Аҳоли ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришда мазкур соҳа учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш механизмини тубдан яхшилаш, уларни қайта тайёрлаш жараёнида таълимнинг замонавий педагогик технологиялар, ахборот-коммуникация янгиликларини жалб этишга алоҳида эътибор қаратиш ҳам долзарб масалалардан биридир.

Сафар ОСТОНОВ, "Ўзбекистон овози" ва "Голос Узбекистана" газеталари бош муҳаррири:

— Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳақида гап борар экан, аввало, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтирмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ҳаммамиз яхши тасаввур қиламиз. Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда эса оммавий ахборот воситалари имкониятига тенглашадиган бошқа бирор-бир муқобил йўлни топиш қийин.

Демак, Конституциямизда белгиланган инсон ҳуқуқлари ва бурчлари, янги қабул қилинаётган қонунлар аҳамияти ва моҳияти тарғиботини самарали олиб бориш учун ҳуқуқий журналистикани янада ривожлантириш талаб этилади.

Бугун мамлакатимизда ҳуқуқий мавзуда қалам тебратаётган тажрибали журналистларимиз оз эмас. Бироқ ***"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"****да белгиланган ҳамда давр олдимизга қўяётган вазифалардан келиб чиқиб фикрлайдиган бўлсак, бу масалада ОАВ зиммасида жуда муҳим ва катта масъулият турганини англаймиз.*

Шу ўринда айрим масалаларга эътибор қаратайлик. Таҳририятимизга ва бошқа давлат идораларига келаётган баъзи аризалар тепасида ўнга яқин турли ҳуқуқ-тартибот идоралари, ташкилот ва таҳририятлар номлари кўрсатилган бўлади. Айрим аризаларда кўтарилган масалалар бевосита суднинг ваколатларига тегишли бўлса-да, фуқаролар ҳокимиятга мурожаат қилади. Шаҳар, туман, вилоят судида ҳал бўлмай туриб, бирданига Олий судга ариза ёзиш ҳолатлари ҳам учрайди. Бундай ҳолатлар фуқароларда ҳуқуқий билим етишмаслигини кўрсатади.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги беқиёс ислоҳотлар, хусусан, жиноий жазоларни либераллаштириш, иқтисодий жиноят бўйича озодликдан маҳрум этиш жазоси ўрнига жиноий жарима жазоси қўлланилиши, ярашув институтининг аҳамияти, фуқароларнинг жамият тақдирида тутган ўрни борасида ҳам тарғибот ишларини янада кучайтиришимиз лозим.

Бу каби мавзуларни таъсирчан, айниқса, оддий одамларга тушунарли тилда ёритишимизда журналистларимиз билими, маҳорати ҳар доим ҳам етишаяпти, деб бўлмайди. Ҳуқуқ тарғиботини олиб борувчи киши, аввало, ўзи етарли ҳуқуқий билимга эга бўлиши керак. Бунинг учун ҳуқуқий мавзуда ёзадиган журналистларимизнинг ихтисослашуви механизми устида чуқурроқ ўйлаб кўриш керак.

Бинобарин, Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик институти, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ташкилотчилигида ҳуқуқий мавзуда ёзадиган журналистлар малакасини оширишга хизмат қиладиган ўқув-семинарлар ўтказишни изчил йўлга қўйиш яхши самара беради.

Яна бир масала. Ҳуқуқий тарғибот билан шуғулланаётган журналистларимиз ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан ҳамкорликни кучайтириши муҳим аҳамиятга эга.

Анжуман якунида иштирокчилар томонидан ҳуқуқий тарғибот ишларини такомиллаштиришга оид бир қатор тавсиялар ишлаб чиқилди. Хусусан, оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқий мавзудаги материаллар сонини кўпайтириш ва сифатини янада ошириш, ҳуқуқий тарғибот ишларини унга жалб этиладиган тингловчиларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларга яратилган имконият ва имтиёзлар билан бир қаторда бурч ва масъулиятлари масаласига, кундалик ҳаёти давомида дуч келадиган вазиятлардаги ҳуқуқий масалаларга қаратиш, давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга ошириш борасидаги вазифалари доирасини аниқ белгилаб қўйиш, ҳуқуқий адабиётларни бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, инвертаризациядан ўтказиш ва янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини ҳисобга олган ҳолда ва шу билан биргаликда келгусида турли хатоликларнинг олдини олиш мақсадида ихтисослаштирилган нашриёт орқали чоп этишни йўлга қўйиш сингари муҳим вазифалар бўйича умумий хулосага келинди.

Ҳуқуқий тарғибот тизимини такомиллаштиришга оид билдирилган тавсиялар келгусида бу борадаги ишларни янада жонлантиришда муҳим аҳамиятга эгалиги эътироф этилди.

Фарида ҚОРАҚУЛОВА, "Инсон ва қонун" мухбири

Мувозанат

Парламент назорати

унинг моҳияти ва аҳамияти

ПАРЛАМЕНТ назорати давлат назорати турларидан бири бўлиб, асосий конституциявий тамойиллардан ҳисобланмиш ҳокимиятлар бўлиниши тамойили, шунингдек, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг муҳим шартидир. Парламент назорати парламентаризмнинг мустақил институти ҳисобланиб, у нафақат қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ижро этилишини, балки ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофазасини ҳам таъминлайди. Шунингдек, парламент назорати кенг маънода хорижий мамлакатлар парламентаризм амалиётида ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти, шу билан бирга бюджет сиёсати ҳамда давлат фаолиятининг бошқа муҳим соҳалари устидан комплекс назорат тизими сифатида намоён бўлади.

ПАРЛАМЕНТ назоратининг бошқа давлат назорати турларидан асосий фарқи, **авваламбор**, олий давлат вакиллик органи, қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан амалга оширилиши; **иккинчидан**, ҳокимиятлар ўртасидаги "ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни сақлаш" тизими воситаси бўлиб хизмат қилиши; **учинчидан**, ушбу назоратнинг асосий объекти ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти эканлиги; **тўртинчидан**, унинг жамият ва давлат ҳаётида ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этиши; **бешинчидан**, ўзининг демократиклиги, очиқ ва ошкоралиги, партиялар ва электорат манфаатларини уйғунлаштирганлиги, жамоатчилик фикри ва кучига таяниши кабиларда намоён бўлади.

Парламент назоратининг моҳияти бошқа анъанавий назорат турларидан фарқли равишда фақатгина назорат билан чекланиб қолмай, балки парламент назорати якунлари бўйича аниқланган амалдаги қонун ҳужжатларидаги камчиликларни бартараф этиш ҳамда қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан зарур чоралар кўрилишини ҳам кўзда тутади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишнинг самарали механизмлари шакллантирилган. Хусусан, парламент назоратининг ўзига хос жиҳатлари ва амалга ошириш механизмлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бир қатор қонун ҳужжатларида ўз аксини топди.

Бош қомусимиз парламент назоратининг конституциявий асосларини белгилаб, унинг энг муҳим шаклларини ўзида ифода этган. Хусусан, унинг 78-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш; Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш; 80-моддада Олий Мажлис Сенатининг мутлақ ваколатлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш кабилар белгиланган.

Юртбошимизнинг 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"** номли маърузасида илгари сурилган таклифларнинг қонун ҳужжатларида мустаҳкамланиши қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг назорат ваколатларининг янада кенгайиши учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, Концепция асосида парламент ваколатларини янада кенгайтириш ва парламент назоратининг концептуал жиҳатдан янги шакллари, яъни ишончсизлик вотуми, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазир ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилишни назарда тутувчи қонуннинг қабул қилиниши парламент назорати шакларини амалиётга янада самарали татбиқ этиш имкониятини яратди.

Чунончи, Олий Мажлис палаталари қўмиталарининг 2010-2011 йиллардаги назорат-таҳлил тадбирлари таҳлили шуни кўрсатадики, қайд этилган муддат оралиғида Олий Мажлис палаталарининг назорат-таҳлил тадбирлари салмоқли даражада ошган.

Мамлакатимизда шаклланган парламент назорати амалиёти тараққиётнинг "ўзбек модели" миллий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ривожланган демократик давлатларнинг илғор тажрибасига таянишини ҳам эътироф этиш лозим. Хусусан, хорижий давлатлар амалиёти парламент назоратининг "ҳукумат соати", парламент текшируви ва парламент эшитуви каби шакллари ҳам амалда кенг қўлланиб келинаётганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, "ҳукумат соати" ҳукумат аъзолари, шунингдек, ижро этувчи ҳокимият органлари тегишли раҳбарларининг аниқ белгиланган кунда депутатлар саволларига жавоб бериш учун таклиф қилиниши ҳамда мазкур назорат якунлари бўйича махсус қарор қабул қилиниб, унда ижро ҳокимияти органлари учун тегишли тавсиялар берилишини назарда тутади.

Қолаверса, Буюк Британияда парламент сўровларини электрон тарзда, яъни давлат органлари учун жорий этилган махсус тармоқ орқали тақдим этиш амалиёти мавжуд бўлиб, 2010-2012 йиллар оралиғида парламент сўровларининг 46 фоизга яқини электрон тарзда амалга оширилган. Францияда эса парламент сўровларининг оммавий ахборот воситалари орқали тақдим этиш амалиёти шаклланганлиги ҳам эътиборга молик.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, парламент назорати мавжуд шаклларнинг янада такомиллаштирилиши ҳамда янги замонавий шаклларнинг миллий амалиётга жорий этилиши қонун ҳужжатларини ҳаётга тўла-тўкис татбиқ этишга ва уларни янада ривожлантиришга, бу борадаги камчиликларни ҳамда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда юзага келадиган ҳуқуқий эҳтиёжларни аниқлашга, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг самарадорлигини оширишга, энг муҳими, бевосита фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш механизмининг янада такомиллашувига хизмат қилади.

Аҳрор РЎЗИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

Минтақавий семинар ва давра суҳбати

Дастлабки тергов ва судлов жараёнида

экспертиза ўтказишнинг долзарб муаммолари

МАЪЛУМКИ, бугунги кунда мамлакатимизда суд экспертизасининг аҳамиятини инобатга олиб, кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2010 йил 1 июндаги Ўзбекистон Республикасининг **"Суд экспертизаси тўғрисида"**ги Қонуни экспертлик фаолиятининг ҳуқуқий пойдеворини яратди ва унинг асосида қабул қилинган бир неча ҳукумат қарорлари соҳанинг турли йўналишларини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 15 декабрдаги **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд экспертизаси муаммолари бўйича кенгаш фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"**ги қарори билан суд экспертизаси масалаларида турли идоралар имкониятлари бирлаштирилиб, долзарб муаммолар ечимининг механизми яратилди. Суд экспертиза муассасаларини малакали мутахассислар билан таъминлаш,

суд экспертларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Қолаверса, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 ноябрда қабул қилган **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"**ги қарори соҳани халқаро талаблар даражасида ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур қарор нафақат Марказ фаолиятини янада такомиллаштириш, балки Ўзбекистонда суд экспертизаси институтини янада ривожлантиришга қаратилган муҳим ҳужжат бўлиб, у, энг аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш мақсадида холисона тергов ҳамда одил судловни амалга ошириш билан суд экспертизаси соҳасини такомиллаштиришга хизмат қилиши тайин.

Фарғона шаҳрида "Дастлабки тергов ва судлов жараёнида экспертиза ўтказишнинг долзарб муаммолари" мавзуида уюштирилган (унда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларидаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва судьялар иштирок этди) минтақавий семинар ҳамда айнан мазкур мавзу бўйича Қарши шаҳрида ўтказилган (унда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва судьялар қатнашди) давра суҳбати ҳам мазкур соҳанинг ютуқ ва камчиликларига бағишланди.

Жумладан, Фарғона шаҳрида ўтказилган минтақавий семинарда республикада мавжуд давлат суд экспертиза муассасаларида ўтказиладиган суд экспертизаларининг турлари, экспертлар учун яратилган шарт-шароитлар, суд-тергов органлари ходимлари томонидан суд экспертлари олдига қўйилаётган талаблар ва уларнинг қай даражада бажарилаётганлиги ҳамда суд экспертизасини ўтказишда юзага келаётган муаммолар ҳамда бу муаммоларни бартараф этиш юзасидан билдирилган таклиф ва тавсиялар атрофлича муҳокама этилди.

Қарши шаҳрида ўтказилган давра суҳбатида эса суд экспертизасининг вазифалари, унинг ҳуқуқий асослари, **"Суд экспертизаси тўғрисида"**ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар, суд экспертлик фаолиятининг асосий принциплари, суд экспертизасини ўтказишда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши, ишни юритишда махсус билимларни қўллаш шакллари ҳамда усулларига оид масалалар хусусида сўз борди.

Ҳозирда жиноятларни очиш ва одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ тергов органлари ҳамда судлар фаолиятида фан-техника ютуқларидан кенг фойдаланишга тобора эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу масалада инсон тафаккурининг энг илғор ютуқларига асосланган суд экспертизасининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бераётган кўмаги алоҳида ўрин эгаллаётганлиги, пинхона, гувоҳсиз содир этилган қонунбузарликлар бўйича кўп вазиятларда суд экспертларининг хулосалари иш бўйича асосий далил вазифасини ўтаётганлиги, бир қатор муҳим далилий фактлар фақат экспертиза текширувлари орқалигина аниқланаётганлиги тадбирларда алоҳида таъкидланди.

Тадбирлар сўнггида иштирокчилар томонидан билдирилган фикр ва таклифлар инобатга олиниб, келгусида зарурий чора-тадбирларни белгилаб, суд экспертизаси имкониятларидан фойдаланишда суд ва тергов органлари ҳамкорлигини янада кучайтириш юзасидан келишиб олинди.

Бахтинур ҲАСАНОВ, Адлия вазирлиги масъул ходими

Қонун моҳияти

Фракциялар иштирокининг процессуал механизми

янада мустаҳкамланди

БУГУН замон шиддат билан ўзгармоқда. Дунё миқёсида юз бераётган воқеликлар, мамлакатимиз барча соҳаларида кечаётган янгиланиш ва ўзгаришлар парламент фаолиятини янада ривожлантириш, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва қабул қилиш механизмини мустаҳкамлаш, қонунчилик жараёни босқичларида сиёсий партиялар фракцияларининг ролини кучайтиришни тақозо этмоқда.

ШУЛАРДАН келиб чиқиб, Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари ташаббуси билан ишлаб чиқилган **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"**ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги Қонун қуйи палата томонидан қабул қилиниб, яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлисида маъқулланди.

Мазкур Қонунни тайёрлаш зарурати қонун ижодкорлиги жараёнида депутатлар бирлашмаларининг роли ва масъулиятини ошириш, фракциялар томонидан сиёсий партияларнинг сайловолди платформаси ва дастурий вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш, сайловчилар ҳамда ўз электоратлари манфаатларини ифодалаш, шунингдек, қонунлар ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш ва кўриб чиқишнинг барча босқичларида уларни кузатиб бориши лозим бўлган Қонунчилик палатаси девони ходимларидан иборат Мувофиқлаштирувчи гуруҳ тузиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Қонунчилик палатасига келиб тушган лойиҳаларни тақсимлашнинг янада демократик, ошкора механизмини жорий этиш таклиф этилмоқда. Унга кўра, қонун лойиҳасининг олдиндан кўриб чиқилиши ҳақида ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни масъул қўмита фракциялар (депутатлар гуруҳлари)нинг фикр ва таклифларисиз қонун лойиҳаси юзасидан ўз хулосасини чиқариш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Яна шундай тартиб киритилмоқдаки, унга асосан, Қонунчилик палатаси мажлисларида қонунлар лойиҳаларини кўриб чиқиш жараёнида маърузачи биринчи ва кейинги ўқишларда фракциялар (депутатлик гуруҳлари)нинг фикрлари ва таклифларини депутатлар эътиборига ҳавола қилиши шарт. Бунда сиёсий партиялар фракциялари (депутатлар гуруҳлари)нинг қонун лойиҳасига оид таклиф ва мулоҳазалари инобатга олиниши лозим. Бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, жумладан, Давлат бюджети лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида ҳам худди шундай тартиб назарда тутилмоқда.

Мазкур Қонун амалиётга жорий этилганидан сўнг сиёсий партиялар фракцияларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштироки янгича мазмун-моҳият касб этади. Ўз навбатида, уларнинг қонунлар лойиҳаларини кўриб чиқишнинг барча босқичларида қуйи палата томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир кўрсатиш имконияти кучаяди. Натижада сиёсий партияларнинг дастурий мақсад-муддаолари ва электоратлари манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қонунлар лойиҳалари юзасидан ўз нуқтаи назарлари ҳамда партиявий позицияларини қатъий ҳимоя қилиш ҳуқуқлари кенгаяди. Энг муҳими, қабул қилинаётган қонунлар сифатини оширишда сиёсий партиялар фракцияларининг масъулияти ва роли янада мустаҳкамланиб, қабул қилинажак қонунлар нормаларида аҳоли барча қатламларининг манфаатлари ҳар тарафлама акс этади. Демак, фракциялар томонидан ҳуқуқ ва манфаатлари ифодаланаётган сиёсий партияларнинг ўз сайловчилари олдидаги нуфузи янада ортади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур Қонун келгусида қонун ижодкорлиги ва қонунлар лойиҳалари устида иш олиб бориш фаолиятида сиёсий партиялар фракцияларининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш баробарида, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қонунчилик жараёнини янада такомиллаштиришда алоҳида ўрин эгаллайди.

Шухрат ДЕҲҚОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Адлия аралашгач...

Мажбурий "прогул" учун

иш ҳақи ва маънавий зарар ундириладиган бўлди

ШАҲНОЗА РАЗЗОҚОВА бола парваришлаш таътилидан сўнг ўз вазифасини давом эттириш учун ўзи бир неча йил ишлаган "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ Навоий минтақавий филиали маъмуриятига бир неча бор ёзма мурожаат қилган бўлса-да, банк маъмурияти **"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги Қонуннинг 18-моддаси талабларига риоя қилмай, 2012 йил 21 августда қилинган мурожаатга 2012 йил 17 декабрда декрет таътилида бўлган ходимнинг иш жойи қисқарганлиги учун унга назоратчи-кассир лавозими таклиф этилаётганлиги тўғрисидаги жавобни берди.

Бунинг устига у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида огоҳлантириш берилиб, касаба уюшмасининг розилиги билан 2012 йил 25 декабрь куни меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳам маълум бўлди.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетини банк иши мутахассислиги бўйича тугатган Ш.Раззоқова ўз мутахассислиги ва малакасига мос иш таклиф этилмагани учун вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Меҳнат кодексининг 237-моддасига биноан ҳомиладор ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларнинг меҳнат шартномалари иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан Ш.Раззоқованинг манфаатларини кўзлаб, ғайриқонуний бекор қилинган меҳнат шартномасини тиклаш, унга етказилган маънавий зарарни ҳамда Меҳнат кодексининг 112-моддаси талабларидан келиб чиқиб, мажбурий "прогул" вақти учун ҳақ ундирилишини сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Суднинг ҳал қилув қарорига асосан Ш.Раззоқова 2-тоифали мутахассис вазифасига тикланди ва унга "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ Навоий минтақавий филиалидан мажбурий "прогул" вақти учун 646.246 сўм иш ҳақи, 387.748 сўм маънавий зарар учун компенсация ундириладиган бўлди.

Феруз НОРҚУЛОВ,
Навоий вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

Репродуктив саломатлик

Соғлом авлод – жамият гултожи

МУСТАҲКАМ оилани шакллантириш, аҳоли ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш устувор йўналишлардан бирига айланган.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ **"2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"**ги Қарори тиббиёт муассасалари фаолияти қўламини янада кенгайтириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, ёшларни оилага тайёрлаш, ирсий касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш, тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтож болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ кенг қўламли ишларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим дастур бўлиб хизмат қилмоқда. Эл-юрт манфаати учун хизмат қилувчи ушбу Қарор ижросини таъминлаш юзасидан мутасадди идоралар томонидан бир қатор амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятини ошириш ва соғлом оилани шакллантиришга жиддий эътибор қаратилган.

Айниқса, оилавий ҳаёт остонасида турган ёшлар ўртасида "Ёш оила мактаби" ўқув-машғулотларини олиб бориш, машғулотлар давомида оилавий ҳаёт сабоқларидан, оилада соғлом муҳитни шакллантириш, соғлом фарзандлар дунёга келтириб, уларни комил инсон қилиб тарбиялашга йўналтирилган ўқув-тарбия соатлари ташкил этилган.

Бунда, авваламбор, оиланинг муқаддаслиги ҳамда никоҳ масъулияти бўйича оила қуриш ёшидаги йигит ва қизларнинг тафаккурини бойитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшларни мустаҳкам ва аҳил оила қуриш, соғлом турмуш тарзини олиб боришга интилишни шакллантириш, оила муқаддаслиги, мустаҳкамлигини таъминлашга эътиборини қаратиш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлод туғилиши ва тарбияланиши, эрта ва қариндош-уруғлар ўртасида никоҳ тузилиши туғма ва ирсий касалликлар манбаи эканлиги, ногирон ва туғма нуқсонли болалар туғилишининг олдини олиш юзасидан тушунтиришлар берилмоқда. Шунингдек, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилишини таъминлаш, болалар ва ўсмирларни маънан ва жисмонан бекаму кўст камол топтириш, қизларимиз онгида оналик, йигитларимизда эса ота бўлиш масъулиятини шакллантириш, ёш оилаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада яхшилаш ва оилада боланинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, инсон саломатлиги, эл-юрт манфаати йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар жамиятда обод турмуш тарзини ташкил этиб, эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришимизни таъминлайди.

Шоҳруҳхон ХОЛМАТОВ,
ТДЮИ талабаси

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 3 апрелдаги 70-ум-сонли буйруғига асосан Каттақўрғон шаҳридаги "Каттақўрғон ҳимоя" адвокатлар ҳайъатининг адвокати Рахимов Исмат билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги сабабли "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг 13¹-моддасига асосан адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган даврга адвокатлик мақоми тўхтатилди.

Андижон вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 28 мартдаги 58-ум сонли буйруғига асосан Андижон шаҳридаги "Андижон" адвокатлар ҳайъати адвокати Мамажонов Искандар Ғуламжоновичга вилоят адлия бошқармаси томонидан 2011 йил 17 августда берилган AN №000193 сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми суднинг ҳукми қонуний кучга киргунга қадар тўхтатилди.

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2012 йил 21 сентябрдаги 179-ум-сонли буйруғига асосан вилоятдаги "Adolat ahkomi" адвокатлик фирмаси адвокати Ширинов Шавкат Шодиевичнинг тўхтатиб турилган адвокатлик мақоми унинг "QALQON OMAD FAYZ" адвокатлик фирмаси муассислари таркибига кириши муносабати билан бошқарма бошлиғининг 2013 йил 22 мартдаги 50-ум-сонли буйруғига асосан тикланди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига
ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Хоразм вилояти
Ҳазорасп туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ҳазорасп туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Сурхондарё вилояти
Термиз шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига
ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қорақалпоғистон Республикаси
Нукус шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Нукус шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Нукус шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тахиатош шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қораўзак туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Элликқалъа туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бухоро вилояти
Бухоро туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Жиззах вилояти
Жиззах шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Дўстлик туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қашқадарё вилояти
Қарши шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Косон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қамаши туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Навоий вилояти
Томди туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Фарғона вилояти
Фарғона шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Учқўприк туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Риштон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тошкент вилояти
Бекобод шаҳар давлат нотариал идорасида 1 нафар
Олмалиқ шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бекобод туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бўстонлиқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тошкент шаҳри
Яккасарой туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2013 йил 8 май)
Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.
Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

Хўжалик суди амалиётидан

Қонунга номувофиқ ҳужжатлар

суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилади

ДАВЛАТ органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжатлари суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилади.

Ишнинг мазмуни

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини бериш бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиш ишчи гуруҳининг хулосасига асосан шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги алкоголли маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномаси бериш бўйича махсус комиссия томонидан масъулияти чекланган жамиятга 2010 йил 30 июнда алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берувчи 2599-сонли рухсат гувоҳномаси берилган ва кейинчалик унинг амал қилиш муддати 2012 йилнинг 1 июлигача узайтирилган.

Президентимизнинг 2007 йил 16 мартдаги ПҚ-605-сонли Қарори билан тасдиқланган **"Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш қоидалари"**га асосан алкоголли маҳсулотлар билан шаҳарларда фақат алоҳида кириладиган ва камида 25 квадрат метр савдо зали майдони бўлган, санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ омбор бинолари ва асбоб-ускуналари мавжуд турғун савдо шохобчаларида чакана савдо қилиш мумкинлиги белгиланган бўлса-да, масъулияти чекланган жамиятга қарашли дўконнинг алкоголли маҳсулотлар сотиш майдони 15,07 квадрат метр майдондан иборат бўлган.

Шаҳар прокуратураси ушбу ҳолатда қонун ҳужжатларининг талаблари бузилган деб ҳисоблаб, давлат манфаатини кўзлаб, ҳўжалик судига ариза билан мурожаат қилган ва жавобгарлар — шаҳар ҳокимлиги савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаментига, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги алкоголли маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномаси бериш бўйича махсус комиссиясига ва масъулияти чекланган жамиятга нисбатан шаҳар махсус комиссиясининг 2009 йил 29 июндаги 51-сонли мажлис баённомаси — қарорининг 1-иловасидаги масъулияти чекланган жамиятга алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномаси бериш бўйича махсус комиссиясига ва масъулияти чекланган жамиятга нисбатан шаҳар махсус комиссиясининг 2009 йил 29 июндаги 51-сонли мажлис баённомаси — қарорининг 1-иловасидаги масъулияти чекланган жамиятга алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномаси бериш бўйича махсус комиссия томонидан масъулияти чекланган жамиятга 2010 йил 30 июнда алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берувчи 2599-сонли рухсат гувоҳномаси берилган ва кейинчалик унинг амал қилиш муддати 2012 йилнинг 1 июлигача узайтирилган.

Президентимизнинг 2007 йил 16 мартдаги ПҚ-605-сонли Қарори билан тасдиқланган **"Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш қоидалари"**га асосан алкоголли маҳсулотлар билан шаҳарларда фақат алоҳида кириладиган ва камида 25 квадрат метр савдо зали майдони бўлган, санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ омбор бинолари ва асбоб-ускуналари мавжуд турғун савдо шохобчаларида чакана савдо қилиш мумкинлиги белгиланган бўлса-да, масъулияти чекланган жамиятга қарашли дўконнинг алкоголли маҳсулотлар сотиш майдони 15,07 квадрат метр майдондан иборат бўлган.

Шаҳар прокуратураси ушбу ҳолатда қонун ҳужжатларининг талаблари бузилган деб ҳисоблаб, давлат манфаатини кўзлаб, ҳўжалик судига ариза билан мурожаат қилган ва жавобгарлар — шаҳар ҳокимлиги савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаментига, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги алкоголли маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномаси бериш бўйича махсус комиссиясига ва масъулияти чекланган жамиятга нисбатан шаҳар махсус комиссиясининг 2009 йил 29 июндаги 51-сонли мажлис баённомаси — қарорининг 1-иловасидаги масъулияти чекланган жамиятга алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномаси бериш бўйича махсус комиссия томонидан масъулияти чекланган жамиятга 2009 йил 29 июндаги 51-сонли мажлис баённомаси — қарорининг 1-иловасидаги масъулияти чекланган жамиятга алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини беришга оид қисми қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаганлиги учун ҳақиқий эмас, деб топилган.

Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномаси махсус комиссияга қайтарилганлиги ва ушбу масала юзасидан низо бартараф этилганлиги ҳисобга олиниб, уни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги талабни қаноатлантириш рад этилган.

Суднинг ҳал қилув қарорига шарҳ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартда қабул қилинган **"Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги ПҚ-605-сонли Қарори аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни таъминлаш, истеъмол бозорига сифатсиз, сертификатланмаган алкоголли маҳсулотлар кириб келиши ва сотилишига йўл қўймаслик, савдо ташкилотлари томонидан алкоголли маҳсулотларни чакана сотишнинг белгиланган талабларига сўзсиз риоя этилиши устидан назорат қилишни кучайтиришга қаратилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 16 мартдаги ПҚ-605-сонли Қарори билан тасдиқланган **"Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисида"**ги Низом алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини бериш тартибини, **"Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш қоидалари"** алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш тартиби ва шартларини белгилайди.

Президентимизнинг мазкур Қарори билан 2007 йилнинг 1 майидан бошлаб алкоголли маҳсулотлар юридик шахслар томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги махсус комиссиялар томонидан бериладиган алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномалари асосида фақат назорат-касса машиналари билан жиҳозланган ихтисослаштирилган дўконлар, алоҳида савдо заллари (секциялар) орқали сотилиши тартиби белгиланган. Шу билан бирга махсус комиссиялар зимасига белгиланган талабларга ва алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш қоидаларига тўлиқ жавоб берадиган юридик шахсларгагина фаолиятнинг ушбу турини амалга оширишга рухсат гувоҳномаларини бериш масъулияти юкланган.

Юқорида қайд этилган **"Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш қоидалари"**нинг 4-бандига асосан алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш шартлари аниқ белгилаб қўйилган. Хусусан, шаҳарларда алоҳида кириладиган ва камида 25 квадрат метрли савдо майдони бўлган, алкоголли маҳсулотларни сақлаш ва сотишнинг санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ бўлган омбор бинолари ва асбоб-ускуналари мавжуд турғун савдо шохобчасида алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш мумкин. Бунда назорат-касса машиналарини ва банк пластик карточкалари орқали тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини қўллаш шартлари, моддий бойликлар тўлиқ даражада сақланиши таъминланиши шарт.

Аммо, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини бериш бўйича махсус комиссия томонидан масъулияти чекланган жамиятга қарашли дўконнинг айнан алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш майдони ушбу қонун ҳужжати талабига жавоб бермаганлигига, яъни алкоголли маҳсулотларни сотиш майдони 25 квадрат метр ўрнига атиги 15,07 квадрат метр майдонни ташкил қилишига қарамасдан, масъулияти чекланган жамиятга алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномаси берилган. Натижада масъулияти чекланган жамият алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш учун белгиланган талабга жавоб бермайдиган жойда фаолият кўрсатиб келган.

Фуқаролик кодексининг 112-моддасига мувофиқ давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқароларнинг ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Лекин суд мажлиси ўтказиладиган кунга қадар масъулияти чекланган жамият томонидан алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномаси шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини бериш бўйича махсус комиссияга қайтарилган.

Бундай ҳолатда, биринчи инстанция суди масъулияти чекланган жамиятга берилган алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги талаб бўйича низо жавобгар томонидан ихтиёрий равишда бартараф этилганлигини инобатга олиб, аризадаги ушбу талабни қаноатлантиришни рад этган.

Шу билан бирга суд томонидан шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини бериш бўйича махсус комиссиянинг баённомаси — қарорининг масъулияти чекланган жамиятга алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини беришга оид қисми ҳақиқий эмас, деб топилган.

Шаҳар ҳокимлиги савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти шаҳар ҳокимлиги тузилмасига кириб, юридик шахс мақомига эгалиги сабабли унинг эътирози суд томонидан инобатга олинмаган. Лекин, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини бериш бўйича махсус комиссия юридик шахс мақомига эга эмас бўлиб, ушбу комиссия жамоатчилик асосида ва тегишли ҳокимнинг ўринбосари раҳбарлигида фаолият кўрсатади.

Хўжалик процессуал кодексининг 23-моддаси, биринчи қисми, 1-бандига асосан хўжалик судига иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар тааллуқлидир.

Хўжалик процессуал кодексининг 86-моддаси, 1-бандида низо хўжалик судида кўриш учун тегишли бўлмаса, хўжалик суди иш юритишни тугатиши белгиланган.

Бундай ҳолатда биринчи инстанция суди Хўжалик процессуал кодексининг 86-моддаси, 1-бандини қўллаб шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини бериш бўйича махсус комиссияга нисбатан иш юритишни тугатган. Мазкур масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги "Биринчи инстанция судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши тўғрисида"ги 162-сонли қарорининг 9, 19-бандларида муҳим тушунтиришлар берилган.

Демак, алкоголли маҳсулотларнинг чакана савдоси билан фақат алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган, белгиланган тартибда берилган рухсат гувоҳномасини олган ва алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш шартларига тўлиқ жавоб берадиган юридик шахслар шуғулланишлари мумкин.

Хўжалик судида кўриб чиқилган ушбу иш ва юқорида келтирилган қонун ҳужжатларининг нормалари шундай хулоса берадики, давлат органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжатлари суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилишига олиб келади.

Тизим тадбири

Ўқув-машғулот

МУСТАҚИЛЛИК, энг аввало, эркинлигимизни кафолатлаган бўлса, ундан сўнг қадриятларимизнинг қайта қадр топишига, анъана ва удумларимизнинг халқимизга қайтарилишига, энг асосийси, аждодларимизнинг хотираси тикланишига замин яратди.

СОБИҚ шўролар даврида буюк аждодларимизнинг номлари қоралангани, уларга отилган маломат тошлари ҳали ҳамон ёдимизда. Буларнинг қаторида буюк саркарда бобомиз Амир Темур ҳам бор эди.

Истиқлол шарофати билан ул зот нафақат оқланди, балки у амалга оширган буюк ишлар халқимиз томонидан бот-бот эътироф этилмоқда. Ва бугун Амир Темурни бутун дунё тан олди.

Мазкур фикр ва мулоҳазалар Адлия вазирлигида ўтказилган навбатдаги ўқув-машғулоти меҳмони **юридик фанлар доктори Ҳалим Бобоев** томонидан билдирилди.

Олимнинг таъкидлашича, Амир Темур давлатни бошқаришда 12 та қоидага таянган ва бу қоидаларнинг қанчалик тўғрилиги бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Ҳа, буюк бобомиз тавваллудига бағишлаб ўтказилган мазкур анжуман, йиғилганларда биз кимларнинг авлоди эканлигимизни, улардан қанчалик фахрланишимиз мумкинлигини яна бир бор ёдга солди.

Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси

Талаба талқини

Маънавият қушандаси

унга қарши кураш ҳар биримизнинг бурчимиз

"ОММАВИЙ МАДАНИЯТ" ғарб дунёсида ўтган асрнинг иккинчи ярмида шаклланди. Ғарчи, уни ғарбда "популяр" ёки қисқартирилган ҳолда, "поп-культура" (яъни "оммавий маданият") деб аташсада, аслида, туб мазмун-маъносига, мақсад-ниятига кўра "оммавий маданият" чинакам маданиятнинг қушандасидир.

ИККИНЧИ жаҳон урушидан инсониятга ядро бомбаси "мерос" қолди. Дунёда ундан кучлироқ қирғин қуроли йўқ. Лекин одамзод учун бугунги мафкуравий таҳдидлар ҳам жиддий хавф солиши барчамизга аён.

Замонавий техника воситалари орқали мафкуравий тарғиботда кинофильмлар, қўшиқлардан унумли фойдаланилмоқда. Шунинг учун "Мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучли", деган иқрор мавжуд.

Ғарб давлатларида эркак билан эркак, аёл билан аёл ўртасидаги никоҳ — ҳайратланарли ҳодиса бўлмай қолаётганлиги назарда тутилса, "оммавий маданият" тарғиб этаётган маънавий тубанликлар, беҳаёликлар, қабоҳатлар бутун дунё халкларининг маънавияти учун нақадар фожиа эканлигини тасаввур этиш қийин эмас.

Афсуски, баъзи ёшларимизнинг "оммавий маданият" қарашларига кўр-кўрона эргашиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Шахсий манфаати йўлида ҳатто бутун инсоният бошига кулфат солишдан ҳам тоймайдиган турли бузғунчи ғоялар ёвуз мақсадлари йўлида айнан мана шу ёшлардан фойдаланмоқдалар.

Президентимиз таъкидлаганидек, **"оммавий маданият" деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди".**

Халқимизнинг тинчлик-осойишталигига, турмуш фаровонлигимиз ва ёруғ келажагимизга таҳдид солаётган "оммавий маданият"нинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш учун **"фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш..."** каби қарашларни ўзимиз учун дастуриламал қилиб олишимиз керак.

Бу йўлда "оммавий маданият"нинг салбий оқибатлари, унинг асл башарасини фош этувчи ҳаётий мисоллар билан ёшларимизни мунтазам равишда таништириб бориш, бугунги кундаги долзарб вазифаларимиздан бири бўлмоғи керак. Хусусан, мамлакатимиз ёшларини чет эл маданиятининг салбий таъсирига тушиб қолмаслиги учун интернетдан тўғри, эзгу мақсадда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш зарур, бу жараённи янада қаттиқ назоратга олиш керак, деб ўйлайман.

Зарнигор НАБИРАЕВА, ТДЮИ магистранти

ФҲДЁ янги бинода

"Обод турмуш йили"га бағишлаб, Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида замонавий талабларга тўлиқ жавоб берадиган муҳташам "Бахт уйи" қурилиб, фойдаланишга топширилганлиги туман аҳолиси, айниқса, ёшлар учун муносиб совға бўлди.

ЯНГИ бинонинг очилишида сўзга чиққанлар бошқа соҳалар каби, оила қонунчилигининг такомиллашуви, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган тадбирларнинг аҳамияти борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича сўз юритдилар.

Оила муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари такомиллаштириб борилаётгани, бу эса, ўз навбатида, миллий қадриятлар муқаддас оила анъаналарига сингиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Судлар, васийлик ва ҳомийлик органлари, шунингдек, ФҲДЁ органлари фаолиятида синовдан ўтган ва ўзлаштирилган кўп йиллик тажриба Оила кодексида ўз ифодасини топди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-боби алоҳида оилага бағишланиб, 63-моддасида оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгалиги қайд этилган.

Таъкидланганидек, Юртбошимизнинг бевосита раҳбарлигида Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, юртимизда тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлаш ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ эркинликларини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ёш оилалар мустаҳкамлигини таъминлашнинг иқтисодий-маънавий асослари мустаҳкамлангани, оилада ва жамиятда соғлом муҳитни шакллантириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ишларини янада кучайтириш, хотин-қизларнинг, ёшларнинг жамиятда ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида қилинаётган тадбирлар ҳақида сўз юритилди.

Шу куни янги бинода оила қуришни расмийлаштирган ёшларга никоҳ тузилганлиги ҳақида гувоҳнома топширилди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Шаҳар бедарвоза эмас

Болалар ўйинчоқлари

ёхуд овунчоқ деб "ўйинчоқ" бўлманг!

ЮРТИМИЗДА болалар ўйинчоқлари хавфсизлигини таъминлаш борасида давлат органлари ва жамоат бирлашмалари ҳамкорлигини янада кучайтириш, ўсиб келаётган ёш авлодни миллий қадриятларимизга мос одобахлоқ қоидаларига амал қилган ҳолда тарбиялаш йўлида кенг қўламли чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Жумладан, Парламент томонидан илгари сурилаётган "Болалар ўйинчоқларининг хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам фикримизга яққол далил бўла олади.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА болалар ўйинчоқларига бир йиллик талаб ўртача ҳисобда 23,4 миллион донани ташкил қилади. Мазкур эҳтиёжнинг бир қисми эса хориждан импорт қилинаётган болалар ўйинчоқлари ҳисобига қондирилмоқда.

Амалдаги қонунчиликка кўра, болалар ўйинчоқлари ва ўйинлар мажбурий равишда сертификатлаштириладиган маҳсулотлар рўйхатига киритилган. Демак, давлат чегарасидан ўтказилаётган ҳар қайси турдаги болалар ўйинчоғи белгиланган талабларга жавоб беришини тасдиқловчи ҳужжат — мувофиқлик сертификатига эга бўлиши шарт.

Афсуски, болалар ўйинчоқлари борасида олиб борилаётган ислоҳотларни тўғри англамай, амалдаги тартибларга зид равишда уларни юртимизга ноқонуний равишда олиб киришга уринаётган "тадбиркор"лар ҳам учраб турибди.

Фарғона туманининг чегарадош ҳудудида ҳаракатланаётган "Тико" ҳайдовчиси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари томонидан кузатувга олинганини сезган заҳоти автомашинани ташлаб, қўшни давлат ҳудуди томон жуфтакни ростлаб қолади. Қаровсиз қолдирилган автомашина эса холислар иштирокида ўрнатилган тартибда кўздан кечирилганда, қонунбузар қиймати 1,7 миллион сўмлик 455 дона болалар ўйинчоқларини ноқонуний равишда олиб киришга уринганлиги аён бўлди.

Ушбу тумандаги айланма йўллардан яна бирида қолдириб кетилган "ВАЗ-2106"нинг эгаси ҳам бежизга "қуён" бўлмабди. Чунки автомашина холислар иштирокида кўздан кечирилганда, унда ҳам ноқонуний олиб киришга уринилган 3,6 миллион сўмлик товар-моддий бойликлар, шу жумладан, 2 минг донага яқин 4 турдаги болалар ўйинчоқлари борлиги аниқланди.

Наманган вилоятидаги ҳамкорликдаги тадбирларнинг яна бирида Қамчиқ довонида ҳаракатланаётган юк автомашинаси тўхтатилиб текширилганда, унда данғаралик З.Аскаралиев томонидан божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган 3900 донага яқин болалар ўйинчоқлари ноқонуний равишда олиб кетилаётганлиги аниқланди. 48 турдаги мазкур ўйинчоқларнинг умумий қиймати эса салкам 21 миллион сўмни ташкил қилар экан.

Божхоначилар томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида ҳам муқаддам юртимизга ноқонуний йўллар билан олиб кирилган ва божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган йирик туркумдаги болалар ўйинчоқларининг "уя"ларини фош этишди.

Жумладан, пойтахтлик У.Кенгашев фаолият юритаётган дўконда муқаддам Туркия ва Хитойдан келтирилган, аммо божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган ва қиймати дастлабки тахминларга кўра, 50 миллион сўмлик 281 турдаги 1100 донадан ортиқ болалар ўйинчоқлари ва пойафзаллари ноқонуний равишда сақланаётганлиги аниқланди.

Божхона органларига тақдим этган божхона юк декларацияси асосида тадбиркор А.Юнусалиев номига юборилган товарлар ўрнатилган тартибда божхона кўригидан ўтказилганда, товарлар миқдори ва йўл юк ҳужжатларида қайд этилган миқдор ўртасида сезиларли тафовутлар борлиги аниқланди. Қарангки, қиймати 400 миллион сўмлик салкам 7600 дона болалар ўйинчоқлари ҳужжатлардан "тушиб" қолибди.

Шундан сўнг, солиқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда А.Юнусалиевга тегишли савдо дўконидаги қиймати 600 миллион сўмлик 9637 номдаги болалар ўйинчоқлари амалдаги тартибларга мувофиқ ва холислар иштирокида кўздан кечирилганида, бу ерда ҳам тақдим этилган божхона расмийлаштируви бўйича ҳужжатлар билан савдо дўконидаги товарлар ўртасида катта тафовут борлиги маълум бўлди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона суриштирувлари ва текширув жараёнлари давом эттирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 2012 йил давомида ва жорий йилнинг ўтган даври мобайнида божхоначилар томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 155 та қонунбузарлик ҳолатларида қиймати салкам 1,1 миллиард сўмлик 910 минг донадан ортиқ болалар ўйинчоқларининг ноқонуний олиб кирилишига чек қўйилди.

Эндигина шаклланаётган бола онгининг дунёни англашида ўйинчоқларнинг аҳамияти жуда катта. Бу эса фарзандларимизга ўйинчоқлар танлашда янада эътиборли бўлишни талаб этади. Акс ҳолда, мўмай даромад илинжидаги сохта тадбиркорлар қўлида "ўйинчоқ" бўлишимиз ҳеч гап эмас!

Хусен ТАНГРИЕВ, Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати катта инспектори

Реклама ва эълонлар

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Адлия вазирлиги Тошкент юридик коллежининг Хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари бўш лавозимига такроран танлов эълон қилади

Танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касбий-таълим) ёйинки таълим муассасасининг йўналиши бўйича магистр, дипломли мутахассислар иштирок этиши мумкин.

Номзодларнинг аризалари Адлия вазирлигига тақдим этилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1. Сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси) ва таржимаи ҳол;
2. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси;
3. Илмий даража ва илмий унвонлар ҳақидаги ҳужжатнинг нусхалари (мавжуд бўлса);
4. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
5. 4х6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат;
6. Директор ўринбосари лавозимига номзоднинг бўлажак фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепцияси).

Ҳужжатлар танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Танлов комиссияси ҳужжатларни ўрганиб, номзодларни танловда қатнашишга тавсия этади.

Манзилимиз: 100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй, Адлия вазирлиги биноси. Тел. 233-50-17.

Ҳурматли юртдошлар!

"Асака" банки (ОАЖ)

қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

"НАВРЎЗ — 2013"

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 13 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилояти филиали	371	120-84-13
Андижон вилояти филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилояти филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Қўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилояти филиали	369	226-94-75
Навоий вилояти филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилояти филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилояти филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилояти филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилояти филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилояти филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилояти филиали	367	225-44-03
Жиззах вилояти филиали	372	226-43-11

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун: "Асака" банки (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

"Асака" банки (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди! Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 16-моддаси, 1-қисмининг 1-бандига ҳамда Фарғона вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 25 мартдаги 88-ум-сонли буйруғига асосан Фарғона шаҳридаги "Қирғули адолат файз" адвокатлик бюроси адвокати бўлган Танташева Азиза Таировнанинг (лицензия FE №000178, 07.01.2010 й., адвокатлик гувоҳномаси №186, 09.02.2010 й.) адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси ва адвокат мақоми тугатилди.

Самарқанд вилояти адлия бошқармаси жамоаси Иштихон туманидаги 2-сон давлат нотариал идорасининг нотуриуси Эркин Раҳматовга укаси

Шавкат РАҲМАТОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИНСОН ва ҚОНУН 1996 йилнинг январидан нашр этилади

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ражабова Мавжуда Абдуллаевна, Муҳаммаджонов Омонулла, Қўчқор Тоғаев, Зокирович, Турсунов Тўлқин Мирзаевич, Султонов Алимқул Тошбекович, Очилов Алижон Мухлисович, Мамадалиев Зайниддин Очилович

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Тўлқин РАУПОВ

Нашр индекси: 137

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.

Буюртма j-6839. Тиражи — 22673.

Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 19.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5